

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА МАҲАЛЛИЙ
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ДОИР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ
ТАҲЛИЛИ

Менглиев Фахриддин Валиевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академиясининг

Олий таълимдан кейинги таълим факультети мустақил изланувчиси

Аннотация. *Мазкур мақолада хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий давлат органлари фаолиятига доир хориж тажрибаси таҳлил қилинган.*

Муаллифнинг фикрича, хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маҳаллий давлат органлари фаолиятини янада кенгайтириши лозим. Айниқса хуқуқ-тартибот органларининг маҳаллий бўлинмалари билан бўладиган муносабатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириши лозим.

Калит сўзлар: *маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; хуқуқбузарлик; жиноят; хуқуқбузарликлар профилактикаси; жиноятларнинг сабаблари; жиноятларнинг шароитлари; жиноятчиликка қарши курашиш; халқ депутатлари кенгашлари.*

**АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ В СФЕРЕ ПРОФИЛАКТИКИ
ПРЕСТУПНОСТИ**

Анотация. *В данной статье анализируется зарубежный опыт деятельности местных государственных органов в сфере профилактики преступности.*

По мнению автора, необходимо и дальше расширять деятельность местных государственных органов в сфере профилактики преступности. Необходимо расширить полномочия местных органов государственной власти, особенно во взаимоотношениях с местными подразделениями правоохранительных органов.

Ключевые слова: *органы местного самоуправления; преступление; преступление; предотвращение преступления; причины преступлений; обстоятельства преступлений; борьба с преступностью; Советы народных депутатов.*

**ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF LOCAL
GOVERNMENT BODIES IN THE FIELD OF CRIME PREVENTION**

Abstract. *This article analyzes foreign experience in the activities of local government bodies in the field of crime prevention.*

According to the author, it is necessary to further expand the activities of local government bodies in the field of crime prevention. It is necessary to expand the powers of local government authorities, especially in relations with local law enforcement agencies. Abstract.



Key words: *local governments; crime; crime; crime prevention; causes of crime; circumstances of the crimes; crime control; Councils of People's Deputies.*

Янги минг йилликнинг бошларида хорижий давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлил қилинганида, аксарият хорижий мамлакатларда ноқонуний хатти-ҳаракатларни олдини олишнинг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилганлиги маълум бўлди¹⁷.

С.Б. Хўжақуловнинг таъкидлашича европа мамлакатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг ўртача 60 фоизини ташкил қилади¹⁸.

Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими яратилган бўлиб уларда ўзига хос тажриба тўпланган.

МДХга аъзо бир қатор давлатлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қабул қилган. Ушбу қонун ҳужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили мазкур давлатлардаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мазмуни ҳамда бу борада давлатнинг ижтимоий-сиёсий позицияси ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Сўз юритилаётган қонунлар гарчи, мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса-да, аммо ёндашув нуқтаи назардан ўзаро фарқланади. Шу боис ушбу фарқ ва мавжуд тажрибани аниқлаш, бу борадаги ютуқ ва камчиликларга объектив баҳо бериш учун сўз юритилаётган давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунлари қўйидаги мезонлар асосида таҳлил қилинди: биринчи мезон, қонунда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметининг қай даражада аниқлаштирилганлиги; иккинчи мезон, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсад ва вазифалари ифодаланганлиги; учинчи мезон, қонунда қўлланилган асосий тушунчалар мазмунининг қай даражада ёритилгани; тўртинчи мезон, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси принципларнинг белгиланганлиги ва улар мазмунининг аниқлиги; бешинчи мезон, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналиши, тури, усул ва шакллари қонун нормаларида акс этганлиги; олтинчи мезон, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимининг оптимал шакллантирилганлиги ёки мақсадга мувофиқлиги; еттинчи мезон, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласининг тартибга солинганлиги¹⁹.

Арманистон Республикасининг 2002 йил 7 майдаги “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунининг 35-моддасида муниципалитет

¹⁷Кобец П.Н. Комплексное криминологическое исследование особенностей предупреждения преступности в современной Японии // Russian Journal of Economics and Law. 2021. Т. 15, № 3. – С. 558. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/2782-2923.2021.3.566> (556-572)

¹⁸ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б. 126.

¹⁹ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2019. б. 148.

рахбарининг жамоат тартибини сақлашдаги фаолияти белгилаб қўйилган. Унга кўра жамоат тартибини муҳофаза қилиш соҳасида муниципалитет раҳбари давлат томонидан берилган қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

тегишли ҳудудда фаолият юритувчи ички ишлар органларидан мажбурий бажарилиши керак бўлган тегишли ёрдам талаб қилиши мумкин. Полиция ҳокимият раҳбарига ҳафтада бир марта муниципалитетда содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда шахсларни маъмурий жавобгарликка тортади²⁰.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам шунга ўхшаш тажрибани жорий этиш лозим. Хусусан, ҳокимлар маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқароларнинг ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) ҳуқуқий баҳо бериш бўйича топшириқлар бериш ваколатига эга бўлиши керак.

Беларусь Республикасининг 2010 йил 4 январда "Беларусь Республикасида Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонунининг 19-моддасида маҳаллий кенгашлар болалар, ёшлар, болаларни тарбиялаётган оилалар, фахрийлар, ногиронлар, қариялар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тоифадаги фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини, оромгоҳларга тайёрлашда ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини белгилаш орқали ҳуқуқбузарликлар ижтимоий профилактикани амалга оширади.

Шунингдек, маҳаллий ижроия қўмиталарининг ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид айрим ваколатлари қонуннинг 41-моддасида назарда тутилган. Унга кўра ижроия қўмиталари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида:

демографик хавфсизлик, оиланинг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитини яхшилаш масалаларини ҳал этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширади;

истеъмолчиларнинг, шу жумладан уй-жой коммунал хизматларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини амалга оширади;

коррупцияга, экстремизмга, шу жумладан терроризмга қарши курашишда иштирок этади;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш, фуқаро мудофааси тадбирларини амалга ошириш, ёнғин, саноат, ядро ва радиация хавфсизлигини таъминлаш, Чернобил АЕСдаги офат оқибатларини бартараф этишда иштирок этади²¹.

²⁰ Закон Республики Армения от 5 июня 2002 года №3Р-337 О местном самоуправлении // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2919

²¹ Закон Республики Беларусь от 4 января 2010 года №108-З О местном управлении и самоуправлении в Республике Беларусь // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=30374

Беларусь Республикасининг 2014 йил 4 январдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти асослари тўғрисида"ги қонунга кўра маҳаллий давлат органлари ҳам хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимига киритилган. Ушбу қонунга биноан хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ҳудудий комплекс дастурлар қабул қилинади. Мазкур дастурлар қуйидагиларнинг олдини олиш бўйича профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлашга қаратилади: давлатга қарши жиноятлар ҳамда ҳокимият ва назоратни амалга ошириш; коррупцияга шароит яратувчи хуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар; ҳаёт ва соғлиққа, жамоат тартибига ва жамоат ахлоқига қарши жиноятлар; фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига ва улардан одамларнинг ўлимига олиб келадиган хуқуқбузарликлар; мулкка қарши жиноятлар ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш тартиби; уйдаги зўравонлик; маст ҳолда ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари, заҳарли ёки бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилиш натижасида содир бўлган ҳолатда бўлган фуқаролар томонидан содир этилган хуқуқбузарликлар; ахлоқ тузатиш муассасаларидан, очиқ ахлоқ тузатиш муассасаларидан, қамоққа олиш жойларидан озод қилинган фуқаролар, шунингдек, махсус таълим муассасаларидан ва махсус даволаш ва тарбия муассасаларидан қайтган фуқаролар томонидан содир этилган хуқуқбузарликлар; бошқа хуқуқбузарликлар²².

Шунингдек, маҳаллий давлат органларининг қуйидаги хуқуқбузарликлар бўйича профилактик фаолияти белгиланган:

коррупция ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун шароит яратувчи хуқуқбузарликлар профилактикасида – коррупцияга қарши курашиш бўйича профилактика чора-тадбирларини, шу жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштириш мониторингини, мансабдор шахсларнинг молиявий назоратни таъминлашга қаратилган чекловлар ва махсус талабларга риоя қилиш бўйича тизимли ишларни режалаштиради ва амалга оширади;

ҳаёт ва соғлиққа, жамоат тартибига ва жамоат ахлоқига қарши хуқуқбузарликлар профилактикасида – аҳоли пунктлари кўчалари ва ҳовли ҳудудларини тўғри ёритишни ташкил этиш чораларини кўради, ички ишлар органларининг таклифига биноан фуқаролар кўп бўладиган жамоат жойларини, хуқуқбузарликлар энг кўп содир бўладиган жамоат жойларини ички ишлар органлари томонидан назорат қилинадиган видеокузатув тизимлари ва авария алоқаси воситалари билан жиҳозлаш чораларини кўради, Минск шаҳри ва вилоят марказларида йўналишли транспорт воситалари ва чорраҳаларни бошқариш маркази ўртасидаги алоқани автоматлаштирилган ҳаракатни бошқариш тизими орқали таъминлаш чораларини кўради, фуқароларнинг бўш турган уйларга, биноларга, иншоотларга, турар-жой бинолари, бино ва иншоотларнинг ертўлалари ва чордоқларига руҳсатсиз киришининг олдини олиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади;

²² Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 года №122-3 Об основах деятельности по профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=64951.



фавқулудда вазиятларнинг юзага келиши ва уларнинг натижасида одамларнинг ўлимига олиб келадиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича – тегишли орган ва муассасалар билан ҳамкорликда ёнғинлар ва бошқа фавқулудда вазиятлар ҳамда улар оқибатида ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширилади, турар-жой мажмуаларида уларни лойиҳалаш ва қуришда ҳар бир хонадонга битта автотранспорт воситалари учун тўхташ жойларининг ҳисобга олиниши ва қурилиши ташкил этади;

оилавий зўравонликлар профилактикасида - ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш органлари, таълим муассасалари, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда оиладаги зўравонликлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар ташкил этади, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини амалга оширади, оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади, оилавий зўравонликдан жабрланган фуқароларга вақтинчалик бошпана хизматларини кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

спиртли ичимликлар, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар таъсирида жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича - ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда спиртли ичимликлар, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар тарқалиши ва истеъмол қилинишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

Қозоғистон Республикасида эса 2001 йил 21 январда “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган²³.

Ушбу қонунга кўра ҳокимлар (оқимлар) терроризмга қарши курашиш комиссиялари орқали тегишли ҳудудларда терроризм ва экстремизмнинг олдини олиш, шунингдек терроризм оқибатларини минималлаштириш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни ташкил этади, шунингдек тегишли ҳудудларда ижтимоий характердаги фавқулудда вазиятларнинг олдини олишда, шунингдек уларнинг оқибатларини минималлаштириш ва бартараф этишда иштирок этади, хавфсизлик ва ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳудудда жойлашган терроризмга мойил бўлган объектлар рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

²³ Закон Республики Казахстан от 23 января 2001 года №148-ІІ О местном государственном управлении и самоуправлении в Республике Казахстан // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=1170



Вилоят, республика аҳамиятига молик шаҳар, пойтахт ҳокими тегишли маъмурий-ҳудудий ички ишлар органлари олдига тезкор-қидирув ва процессуал фаолиятга аралашмаган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан вазифалар қўяди ҳамда йилига бир марта ички ишлар бўлими бошлиғининг тегишли ҳисоботларини эшитади.

Қозоғистон Республикасининг ушбу тажрибасининг эътиборли томони шундаки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ички ишлар органларнинг муносабатлари аниқ белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда умумий раҳбарликни амалга ошириши, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар бериши мумкин. Аммо ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига хусусан жавобгарлик масалаларига аралашмаслиги лозим.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳокимларга тезкор-қидирув ҳамда процессуал фаолиятга аралашмаган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий бўлинмаларига бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар бериш ваколатини бериш лозим. Шунингдек, ҳокимларга қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ.

Қозоғистон Республикасининг 2010 йил 29 апрелдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунида маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги ваколатлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Унга қўра маҳаллий вакиллик органлари:

ҳокимнинг тақдимида биноан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича жойлардаги идоралараро комиссияларнинг шахсий таркибини тасдиқлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси харажатлари бўйича маҳаллий бюджетларнинг ижросини тасдиқлайди ва назорат қилади;

фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ушбу Қонун нормаларининг бажарилишига кўмаклашиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари эса:

жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳисобини юритади, фуқаролар ва ташкилотларни жамоат тартибини муҳофаза қилишга жалб этиш чораларини кўради, уларни рағбатлантириш турлари ва тартибини белгилайди;

аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

маҳкумларни жазони ижро этиш тизими муассасаларига ишга жойлаштиришга кўмаклашади;



хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро комиссияларнинг шахсий таркибини тегишли маҳаллий вакиллик органларига тасдиқлаш учун киритади ва уларнинг фаолиятини таъминлайди;

хуқуқбузарликлар профилактикаси тизими ташкилотларини ташкил этиш ва фаолият юритишини таъминлайди;

махсус ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларга махсус ижтимоий хизматлар кўрсатишни ташкил қилади;

хуқуқбузарликлар содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради²⁴.

Бизнинг назаримизда Қозоғистон Республикасининг ушбу тажрибаси ҳам эътиборга молик. Чунки, маҳаллий вакиллик ва ижро органлари гарчан ягона институт бўлсада аслида ўз ваколатларини бир-биридан мустақил амалга оширади. Шунингдек, уларнинг маъмурий имкониятлари ҳамда ресурслари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасида хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро орган ҳукумат ҳузурида, уларнинг ҳудудий бўлимлари эса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилади. шу сабабли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи асосий субъект ҳисобланади²⁵.

Қирғиз Республикасининг 2008 йил 29 майда "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий давлат маъмурияти тўғрисида"ги қонунида вилоят ва туман маҳаллий давлат маъмуриятининг ваколатлари алоҳида белгилаб қўйилган²⁶.

Вилоят ва туман даражасидаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари фавқулодда вазиятлар, табиий офатлар ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этади, шунингдек, фуқароларнинг, шу жумладан вояга етмаганлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Бу ерда эътиборли томонида шундаки, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш бўйича маҳаллий давлат органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари белгиланмаган. Ҳолбуки, болаларнинг ҳуқуқлари амалга оширилиши ва уни таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муҳим маъмурий ресурсларга эга ҳисобланади. Шу сабабли бола ҳуқуқларини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

²⁴ Закон Республики Казахстан от 23 января 2001 года №148-II О местном государственном управлении и самоуправлении в Республике Казахстан // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=1170

²⁵ Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 года №271-IV ЗРК О профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=31100

²⁶ Закон Кыргызской Республики от 29 мая 2008 года №99 О местном самоуправлении и местной государственной администрации // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=23138

Қирғизистон Республикасида вилоят давлат ҳокимияти раҳбари - ҳокимнинг (губернатор), шунингдек давлат давлат ҳокимияти раҳбари - ҳоким (оким) давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзларига қарашли ҳудудда ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, давлат чегараларини қўриқлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Аммо судьялар, прокурорлар, давлат миллий хавфсизлик органининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини лавозимидан мустақил четлата олмайди. лекин улар ўз вазифаларини самарали бажара олмаганда уларни лавозимидан озод қилиш тўғрисида юқори турувчи органларга тақдимнома киритади.

Қирғиз Республикасининг 2021 йил 5 майдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асослари тўғрисида"ги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кириши қайд этиб ўтилган²⁷.

Қирғиз Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўшма режалар тузилади ва амалга оширилади. Унга кўра муайян ҳудудда жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича олдиндан режалаштирилган чора-тадбирлар мажмуи айнан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудида қуйидагиларни амалга оширади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ишига умумий раҳбарликни амалга оширадилар ва ўз ваколатлари доирасида тегишли қарорлар қабул қиладилар. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

жамоат профилактика марказлари фаолиятини ташкил этади ва уларга раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди;

бошқа профилактика субъектлари билан биргаликда ўз ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўшма режа ва дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади, уларнинг бажарилиши юзасидан масъул шахсларнинг ҳисоботларини эшитади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини назарда тутаяди;

фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган нодавлат ноижорат ташкилотларини ижтимоий буюртма бериш, грант ёрдами ажратиш, шунингдек бошқа молиялаштириш манбаларини йўналтириш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасига жалб қилади;

ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг индивидуал режаларини ишлаб чиқади ва амалга оширишда иштирок этади²⁸.

²⁷ Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549

²⁸ Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549

Қирғиз Республикасида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ишига умумий раҳбарликни амалга ошириши аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ўзларининг ҳудудий мувофиқлаштирувчи комиссияларини тузадилар. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи комиссиялар таркибига маҳаллий кенгашлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти бўлган давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари, жамоат бирлашмалари, маҳаллий ҳамжамият ва фуқаролик жамияти вакиллари киради. Ушбу комиссияларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари раислик қилади²⁹.

Қирғиз Республикасида жамоатчилик-профилактика марказлари ҳам фаолият юритади ва қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини биргаликда режалаштириш бўйича маҳаллий ҳамжамият, тижорат ва нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг мувофиқлаштирувчи механизми ҳисобланади ҳамда уларнинг фаолияти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан назорат қилинади.

Молдова Республикасида 2006 йил 28 декабрда қабул қилинган "Маҳаллий оммавий бошқарув тўғрисида"ги қонунга кўра маҳаллий ҳокимият органларига примар раҳбарлик қилади³⁰. Примар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қўйидаги ваколатларни амалга оширади: ярмаркалар, бозорлар, истироҳат боғлари, яшил ҳудудлар ҳамда аҳоли дам олиш ва кўнгилочар масканлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади ҳамда уларнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича тезкор чоралар кўради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўчмас маданий мерос объектларини (археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари), номоддий ва кўчар маданий мерос объектларини, жамоат жойларида барпо этилган ёдгорликларни, ўзига қарашли ҳудудда жойлашган маданий ва табиий кўриқхоналарни муҳофаза қилишга ёрдам беради, мавжуд ресурслар доирасида аҳолига зарур бўлган ижтимоий хизматлар турлари бўйича тадқиқотларни ташкил этади, белгиланган эҳтиёжларга мувофиқ ижтимоий хизматларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва маҳаллий Кенгашга тасдиқлаш учун таклиф қилади, ўз тасарруфидаги ҳудудда ҳаракатни ташкил этиш, йўлларни, кўприкларни тўғри сақлаш ва йўл белгиларини ўрнатиш орқали йўл ҳаракати ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлайди, жойларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш сиёсатини амалга ошириш бўйича маҳаллий Кенгаш қарорлари ижросини таъминлайди, ушбу мақсадларда давлат органлари, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади; ҳокимлик тизимидаги гендер бўлими фаолиятини мувофиқлаштиради; ўзини камситиш қурбони

²⁹ Закон Кыргызской Республики от 5 мая 2021 года №60 Об основах профилактики правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=132549

³⁰ Закон Республики Молдова от 28 декабря 2006 года №436-XVI О местном публичном управлении // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=18597

деб ҳисоблаган шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқади; аҳолини соғлиқни сақлаш масалалари бўйича таълим ва хабардорлигини оширишга кўмаклашади камситишни бартараф этиш, болаларни, қарияларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни ва оилавий зўравонликдан жабрланган оилаларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради, ўзига қарашли ҳудудда жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўл қўйилган амалдаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини аниқлайди, уларни бартараф этиш ёки бартараф этиш чораларини кўради ҳамда зарур ҳолларда шаҳар ҳокимининг сўровларига зудлик билан жавоб қайтариши шарт бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади, қонун ва тартибни бузувчи ёки ахлоқ-одобга путур етказувчи, жамоат тартибини ва осойишталигини бузувчи томошалар, томошалар ва бошқа оммавий намоишларни тақиқлаш ёки тўхтатиб туриш чораларини кўради, марказий тармоқ органлари ва уларнинг ҳудудий давлат хизматлари билан биргаликда табиий офатлар, офатлар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпифитотиялар ва эпизоотияларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўради ҳамда зарур ҳолларда ушбу мақсадлар учун аҳолини, хўжалик юритувчи субъектларни ва аҳолини сафарбар этади³¹.

Маҳаллий Кенгашлар эса жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашади, шаҳар полицияси, қутқарувчилар ва ўт ўчирувчилар ҳудудий хизмати (пости) ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик фуқаро муҳофазаси бўлинмалари фаолияти тўғрисида қарорлар қабул қилади, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолиси сонига мутаносиб равишда ўзига бўйсунувчи ҳудудда қутқарувчилар ва ўт ўчирувчиларнинг ҳудудий хизматини (постини) сақлаш учун ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини тасдиқлайди, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, маҳаллий хайрия муассасаларини яратади ва уларнинг фаолиятини таъминлайди, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассис лавозимини яратиш тўғрисида қарор қабул қилади³².

Туркменистон Республикасида 2010 йил 10 майда "Ижро этувчи ҳокимиятнинг маҳаллий органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган³³. Ушбу қонуннинг 7-моддасида ҳокимлар (ҳякимлар)нинг умумий ваколатлари белгиланган. Унга кўра вилоят, этрап ва шаҳар шаҳар ҳоким (ҳякимлар)лари қуйидаги ваколатларни амалга оширади: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали, кам

³¹ Закон Республики Молдова от 28 декабря 2006 года №436-XVI О местном публичном управлении // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=18597

³² Закон Республики Молдова от 28 декабря 2006 года №436-XVI О местном публичном управлении // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=18597

³³ Закон Туркменистана от 10 мая 2010 года №109-IV О местных органах исполнительной власти // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=31173



таъминланган оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, мактабгача ва умумий таълим муассасаларини, мактаб-интернатларни, қариялар уйларини, соғлиқни сақлаш ва соғлиқни сақлашни моддий таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, тегишли ҳудудда санитария-эпидемиология, карантин ва гигиена тадбирларининг амалга оширилишини ташкил қилади ва назорат қилади, аҳолини экологик вазият ҳақида хабардор қилади, табиий офатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бахтсиз ҳодисалар юз берганда уларнинг оқибатларини бартараф этиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўради, атроф-муҳитга хавф туғдирувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини тўхтатади, тегишли ҳудудда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибini ва қонунийликни мустаҳкамлашда давлат органлари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва келишилган ишини таъминлаш чораларини кўради, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолати, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб боради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар ҳолатини таҳлил қилиш ва олдини олиш бўйича ишларни ташкил этади ҳамда тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради, маҳаллий ички ишлар органлари вакиллари, оқсоқоллар кенгашлари ва бошқа жамоат бирлашмалари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашади.

Туркменистон Республикасининг 2020 йил 22 августдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунига кўра ушбу давлатда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлар сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу қонунга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат органлари вакиллари билан биргаликда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўрадилар, жамоат тартибini сақлашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашадилар³⁴.

Украинада 1997 йил 21 майда "Украинада маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги қонунда маҳаллий давлат органларининг қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари алоҳида моддада белгилаб қўйилган³⁵.

Хусусан, ушбу қонуннинг 38-моддасига биноан маҳаллий давлат органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қўйидаги ваколатларга эга: қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маблағлари ҳисобидан

³⁴ Закон Туркменистана от 22 августа 2020 года №259-VI О профилактике правонарушений // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=127093

³⁵ Закон Украины от 21 мая 1997 года №280/97-ВР О местном самоуправлении в Украине // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=12052



таъминланадиган полицияни ташкил этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ва кенгаш кўриб чиқиш учун киритиш, бундай полиция ходимларининг сони, харажатлари тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, уларни сақлаш, фаолиятини моддий-техник таъминлашни амалга ошириш, улар учун зарур яшаш шароитларини яратиш, судлар, прокуратура, адлия, хавфсизлик хизмати, миллий полиция, миллий антикоррупция бюроси, иқтисодий хавфсизлик бюроси, адвокатура ва давлат жиноий ижроия хизмати фаолиятига ёрдам бериш, мансабдор шахслар кенгашлар ва уларнинг ижро этувчи органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қонуний талаблари ва қарорларини менсимаган тақдирда уларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга тақдимномалар киритиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг худудий ҳамжамиятнинг ҳуқуқларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини чекловчи ҳужжатларини ноқонуний деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланадиган шаҳар авария-қутқарув хизматини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва кенгашга киритиш, бундай хизмат ходимларининг сони билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, белгиланган тартибда шаҳар авария-қутқарув хизматларини ташкил этиш, техноген ва табиий характердаги фавқулодда вазиятларни тугатиш учун захира фондини ташкил этиш, шаҳар авария-қутқарув хизматлари фаолиятини моддий-техник таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шаҳар авария-қутқарув хизматлари ва жамоат ташкилотларининг авария-қутқарув хизматлари ходимларини белгиланган тартибда тайёрлашни ташкил этиш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда давлат ва жамоат хавфсизлиги ва тартибини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳаётини таъминлаш, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, уларнинг соғлиғини сақлаш, моддий бойликларни сақлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур чораларни кўриш, қонун ҳужжатларига мувофиқ йиғилишлар, митинглар, юришлар ва намойишлар, спорт, кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш, уларни амалга оширишда жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш, қонун билан уларнинг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича маъмурий комиссиялар ва комиссияларни тузиш, улар фаолиятини йўналтириш, Миллий полициянинг тегишли органлари билан биргаликда милиция ходимларининг хизмат қилишлари ва дам олишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиш масалаларини ҳал қилиш.

Россия Федерациясининг 2016 йил 23 июндаги "Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими асослари тўғрисида"ги федераль қонунга кўра маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари тизимига киради. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида муниципал дастурларни ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга.



Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қуйидаги ваколатларни ҳам амалга оширадилар:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида муниципал ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида мувофиқлаштирувчи органларни тузади;

ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўради;

ўз ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи шахсларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий ахборотни амалга оширади;

ижтимоий мослаштириш чоралари кўради;

шахсни қайта ижтимоийлаштириш чораларини кўради;

ижтимоий реабилитация чораларини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш хавфси остида бўлган шахсларга ёрдам кўрсатади³⁶.

Америка Қўшма штатларда профилактиканинг қуйидаги учта модели мавжуд: биринчиси, давлат агентлиги модели; иккинчиси, индивидуал хавфсизлик модели; учинчиси, атроф-муҳитга таъсир модели. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш дастурлари федерал ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Айрим штатларда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги иштироки талончиликлар сонини 30 фоизга камайтиришга ёрдам берган. Бу борада тезкор-профилактик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар учун мукофотдан фойдаланилади.

Японияда қонун ва тартибни таъминлаш ҳамда жамоат профилактикасини амалга ошириш тизими яхши ривожланган, у ерда маҳаллий дастурларга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакат Адлия вазирлиги томонидан туман даражасида қонун ва тартибни таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастурининг модели ишлаб чиқилган. Туман дастурларининг асосий иккита тури мавжуд. Биринчиси, "илмий дастурлар" улар жиноятчилик ҳолатини криминологик ташхислашга; иккинчиси, "амалий дастурлар" бўлиб, улар қонун ва тартибни таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таклифларни ишлаб чиқишга йўналтирилган. Шунингдек, туман фуқаролари иштирок этадиган муниципал дастурлар мавжуд. Шу билан бирга, Японияда давлат-жамоат ташкилоти бўлган қонун ва тартибни таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ассоциацияси самарали фаолият юритади. Ассоциациянинг бўлинмалари (умуммиллийдан маҳаллий даражага қадар) ҳар бир полиция бўлимида ишлайди. Энг қуйи бўғинлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нуқталари ҳисобланувчи оилалар билан ишлайди. Бу борада ушбу бўлинмаларнинг ҳар бирига ўртача 50 тадан оилалар тўғри келади.

³⁶ Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 года №182-ФЗ Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=86406

Уюшма аъзолари полицияга бахтсиз ҳодисалар ва ҳолатлар тўғрисида хабар беришади, қонун ва тартибни таъминлаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ маълумотларни аҳолига тарқатадилар, фуқароларнинг хоҳиш истаклари ҳақида полицияни хабардор қилади, меҳмонлар билан суҳбатлар ўтказадилар.

Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия, Австралия каби давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда "Қўшнилар назорати" (neighborhood watch) дастури амалга оширилади. Ушбу дастурга кўра маҳаллий аҳоли вакиллари жиноятларнинг олдини олиш учун бирлашадилар. Бунда улар уларнинг фаолияти жиноят ҳушёрликка ва жиноят содир этилаётганда ёки бошқа ҳар қандай шубҳали ҳолатларда дарҳол полицияга хабар беришга асосланади.

Ушбу дастур маҳаллий давлат органлари томонидан қўллаб-қувватланади, уларга методик, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда молиявий жиҳатдан ёрдам кўрсатади. Мазкур дастур 2011 йил август ойида Шимолий Қозоғистон вилоятининг маъмурий марказида полиция ва шаҳар ҳокимияти томонидан "маҳалла назорати" сифатида ҳам жорий этилган бўлиб, ушбу вилоят полицияси бошлиғи фуқароларнинг мурожаатлари ва аноним хабарларга жавоб бериш учун фуқаролар томонидан 24 соат ишлайдиган ишонч телефонида иборат махсус офис ташкил қилди. Уларнинг ишини қўллаб-қувватлаш учун ўша йили вилоят ҳокимияти 15 миллион тенге маблағ ажратган.

Шунингдек бу каби дастурлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам мувофақиятли жорий этилган. Хусусан, Канада - Block Parent, Хитойда - Chaoyang masses, АҚШда - Citizen Observer, АҚШ, Австралия, Буюк Британияда - Crimestoppers, Хитойда - Grid-style social management, Норвегияда - Natteravnene, Буюк Британияда - Neighbourhood Watch, Жанубий Кореяда - Inminban, Ҳиндистонда - Police Mitra. Ушбу дастурларнинг барчаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланади.

"Синдирилган ойна" (broken windows), "Жиноятчиликни тўхтатувчилар" (crime stoppers) каби дастурлар, шунингдек, муайян тоифадаги шахслар, масалан болалар ва ўсмирларга мўлжалланган ёки жиноятчилик даражаси нисбатан юқори минтақаларга татбиқ этиладиган ("Weed&Seed", "Safety City") дастурлар самаралининг жорий этилиши ва амалга оширилиши ҳам бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т. 2019. 23 б.
2. Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари: юрид. фан. бўйич. фалс. докт. дисс. – Т. 2016. б. 15.
3. Кобец П.Н. Комплексное криминологическое исследование особенностей предупреждения преступности в современной Японии // Russian Journal of Economics

and Law. 2021. Т. 15, № 3. - С. 558. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/2782-2923.2021.3.566> (556-572)

а. Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жинойтчиликка ўрин қолмайди // <https://president.uz/uz/2237>.

4. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс // <https://lex.uz/docs/97664?query=16.05.02.00&exact=1#sr-1>.

5. Мокрый В.С. Местное самоуправление в Российской Федерации как институт публичной власти и гражданского общества. Дис... докт. юрид. наук. - М., 2003. - С. 99.

6. Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли: Сиёсий фан. номз. дисс. автореф. - Т., 2006